

## Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 510-ҳадис

510 - Ҳолид ибн Умар ал-Адавий розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Аллоҳга ҳамду сано айтиб, сўнгра шундай деди: «Аммо баъд. Дунё ўзининг ўтқинчилигини билдириб, тезда ортига қайтди. Ундан сув ичилган идишда қолган сув каби қолдиқ қолди. Сизлар ундан заволга учрамайдиган ҳовлига кўчиб ўтасизлар. Шундай экан, ҳузурингиздаги яхши нарсалар билан кўчиб ўтинг. Чунки бизга жаҳаннамнинг лабидан тош ташланса, етмиш йил қуласа ҳам унинг қаърига етиб бормаслиги зикр қилинди. Аллоҳга қасамки, у 2967 җ] Ҳолид ибн Умар ал-Адавий розияллоху анҳудан ривоят қилинади».

:«Аллоҳга ҳамду сано айтиб, сўнгра шундай деди: «Аммо баъд. Дунё ўзининг ўтқинчилигини билдириб, тезда ортига қайтди. Ундан сув ичилган идишда қолган сув каби қолдиқ қолди. Сизлар ундан заволга учрамайдиган ҳовлига кўчиб ўтасизлар. Шундай экан, ҳузурингиздаги яхши нарсалар билан кўчиб ўтинг. Чунки бизга жаҳаннамнинг лабидан тош ташланса, етмиш йил қуласа ҳам унинг қаърига етиб бормаслиги зикр қилинди. Аллоҳга қасамки, у 2967 җ] Ҳолид ибн Умар ал-Адавий розияллоху анҳудан ривоят қилинади».

### 1. 510. Холид ибн Умар ал-Адавий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Утба ибн Ғозван бизга хутба қилди. (У Басранинг амири эди). Аллоҳга ҳамду сано айтиб, сўнгра шундай деди: «Аммо баъд. Дунё ўзининг ўтқинчилигини билдириб, тезда ортига қайтди. Ундан сув ичилган идишда қолган сув каби қолдиқ қолди. Сизлар ундан заволга учрамайдиган ҳовлига кўчиб ўтасизлар. Шундай экан, ҳузурингиздаги яхши нарсалар билан кўчиб ўтинг. Чунки бизга жаҳаннамнинг лабидан тош ташланса, етмиш йил қуласа ҳам унинг қаърига етиб бормаслиги зикр қилинди. Аллоҳга қасамки, у

албатта тўлдирилади. Ажабланяпсизми? Бизга жаннат эшигидаги икки табақанинг ораси қирқ йиллик йўл экани ва у бир кун келиб, тиқилинчдан тўлиб-тошиб кетиши зикр қилинди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлган етти кишининг бири эдим. Дарахт баргидан бошқа егулигимиз йўқ эди, ҳатто оғзимизнинг четлари яра бўлиб кетди. Бир чопон топиб олиб, Саъд ибн Молик билан бўлиб олдик. Унинг ярмини мен, ярмини Саъд изор қилиб олдик. Бугун эса ҳар биримиз бир юртнинг амирига айландик. Ўз наздимда улуғ, Аллоҳнинг ҳузурида эса ҳақир бўлиб қолишдан Аллоҳдан паноҳ сўрайман».

*Имом Муслим ривояти.*

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

